

## Зикр ва садақа



16:46 / 25.04.2018 4349

**Эй иймон келтирганлар! Молларингиз ҳам, фарзандларингиз ҳам сизни Аллоҳнинг зикридан чалғитмасин. Ким шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўрувчилардир.**

Агар кишининг қалби уйғоқ бўлмаса, мол-дунё ва бола-чақа уни банд қилиб, Аллоҳнинг зикрини унуттириб қўяди.

Шунинг учун ҳам Қуръони Карим такрор ва такрор мусулмонларни Аллоҳнинг зикрини унутмасликка даъват этади.

**«Эй иймон келтирганлар! Молларингиз ҳам, фарзандларингиз ҳам сизни Аллоҳнинг зикридан чалғитмасин».**

Ундай кишилар, аввало, охират неъматини бой берадилар, қолаверса, бу дунёда Аллоҳнинг зикридан келиб чиқадиган хотиржамлик, осойишталик

ва бошқа кўплаб фойдалардан қуруқ қоладилар.

**«Ким шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўрувчилардир».**

Аллоҳни унутган жамият кўп нарсани бой берган жамиятдир. Чунки ғофиллик сабабли гуноҳ ишлар, жиноят ва ўзга мусибатлар кўпаяди.

**«Мунофиқун» Ва бирингизга ўлим келиб: «Роббим, агар мени озгина муддатга орқага сурсанг-у, садақа қилсам ва солиҳлардан бўлсам», демасидан аввал Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан нафақа қилинг.**

Ризқнинг асосий манбаи Аллоҳ таолонинг Ўзидир ва У Зот одамларга Ўзи хоҳлаганича ризқ бериб қўйган ва ундан нафақа, хайр-эҳсон қилиб туришга буюрган. Албатта, бу иш ўлим келишидан аввал бўлиши шарт. Соғ-саломатликда, ҳамма нарсага қодирлик пайтида хайр-эҳсон қилса, ўрнига тушади. Ўлим келганда эса ҳамма ҳам ёлвориб, Аллоҳдан яна озгина умр беришини сўрайди, садақа қилиб, яхши кишилар қаторида бўлишни истаб қолади. Лекин унда кеч қолган бўлади. Чунки

**«Мунофиқун» Аллоҳ ажали келган жонни ҳеч-ҳеч орқага сурмас. Ва Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан ўта хабардордир.**

Оқил киши бошига ўлим келмасидан аввал хайрли ишларни кўпроқ қилиб қолишга интилади ва шундай бўлиши ҳам лозим. Чунки Аллоҳ таоло ҳар бир гапу ишдан хабардор Зотдир.

***Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф***

*(Тафсири Ҳилол китобидан)*